

ОЗОДЛИКНИ ЧЕКЛАШ ЖАЗОСИНИ ЎТАЁТГАН ШАХСЛАРНИ МАСОФАВИЙ
НАЗОРАТ ҚИЛИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7882992>

Аълохонов Мухаммадмирзоҳон Адҳамхон ўғли
Ўзбекисто Республикаси ИИВ Академияси З-босқич курсанти

Аннотация: Мақолада суд томонидан озодликни чеклаш жиноий жазосига ҳукм қилинган шахсларни ўрнатилган тақиқларга тўлиқ риоя этишларини назорат қилишда рақамли технологиялардан кенг фойдаланиши зарурати ҳамда ушбу тизим бўйича илғор хорижий давлатлар тажрибасидан миллий қонунчилигимизда фойдаланишинг ижобий жиҳатлари ўрганилиб, истиқболли тақлифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: жиноий жазо, ҳуқуқий асос, озодликни чеклаш, масофавий назорат қилиш, электрон мониторинг тизими, электрон браслет, замонавий электрон масофавий тизими.

PROSPECTS OF REMOTE MONITORING OF PERSONS SERVING THE RESTRICTION OF LIBERTY

Abstract: The article examines the need for extensive use of digital technologies in monitoring the full compliance with the established prohibitions of persons sentenced by the court to the criminal penalty of deprivation of liberty, as well as the positive aspects of using the experience of advanced foreign countries in our national legislation, and makes promising proposals.

Key words: criminal punishment, legal basis, restriction of liberty, remote control, electronic monitoring system, electronic bracelet, modern electronic remote system.

КИРИШ

Мамлакатимизда сўнгги йиллар мобайнида суд-хуқуқ соҳасидаги демократик ислоҳотлар доирасида суд-тергов фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий қилиш, жиноят содир этган ҳар бир шахсга адолатли жазо берилиши ҳамда айби бўлмаган ҳеч бир шахс жавобгарликка тортилмаслиги ва ҳукм қилинмаслигини таъминлашга қаратилган комплекс чора-тадбирларнинг амалга оширилаётганлиги алоҳида аҳамият касб этади. Одил суд томонидан жиноят содир этган ҳар бир шахсга қўлланиладиган жиноий жазо ва бошқа ҳуқуқий таъсир чоралари жисмоний азоб бериш ёки инсон қадр-қимматини камситишни эмас, балки ушбу шахсларнинг ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олишга қаратилиши асосий вазифалардан ҳисобланади.

Жиноий жазоларни янада либераллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 10 августдаги “Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун хужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонуни қабул қилиниши натижасида Жиноят кодексида назарда тутилган жазо тизимиға, “Озодликни чеклаш” тариқасидаги жазо чораси киритилди. Жиноят кодексига мазкур жазо тури ўз табиатига кўра озодликдан маҳрум қилиш жазосига муқобил жазо сифатида киритилган. У маҳкумни жамиятдан ажратмаган ҳолда тарбиялаш вазифасини бажаради. Озодликни чеклаш жазоси, уни ижро этиш тартиби ҳамда озодликни чеклаш жазога ҳукм қилинган шахслар хулқ-атвори устидан назоратни амалга ошириш асослари Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси, Жиноят-ижроия кодекси ҳамда ИИВнинг 2017 йил 27 июльдаги 157-сонли буйруғида белгиланган ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 48¹-моддасига кўра **озодликни чеклаш** суд томонидан маҳкумга нисбатан яшаш жойини у ёки бу сабаб билан тарк этишни бутунлай тақиқлашдан ёки сутканинг муайян вақтида яшаш жойидан чиқиши чеклашдан иборат жазо чорасидир⁸⁵. Озодликни чеклаш **бир ойдан беш йилгача** муддатга тайинланади ҳамда суд томонидан белгиланадиган органлар назорати остида ўталади. Озодликни чеклаш, уни маҳкумнинг яшаш жойида ўташ шартлари, содир этилган қилмишнинг хусусияти ва суд чиқарган қарорни ижро этишдан бўйин товлашнинг олдини олиш ҳисобга олинган ҳолда суд томонидан белгиланади.

Озодликни чеклаш тўғрисидаги суд ҳукмининг ижроси маҳкумнинг яшаш жойидаги **жазоларни ижро этиши инспекцияси** томонидан амалга оширилади.⁸⁶ Маҳкумларнинг турар жойлари бўйича суд томонидан белгиланган тақиқлар ва юклатилган мажбуриятларнинг бажарилиши ҳамда уларнинг хулқ-атвори устидан назоратни профилактика инспекторлари, тезкор вакиллар, патруль-пост хизмати, йўл-патруль хизмати, миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлимлари, патруль-пост нарядлари ва ички ишлар органларининг бошқа соҳавий хизматлари билан **ҳамкорликда** амалга оширилади.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Хозирги глобаллашув ва ахборот рақамлаштириш тенденциялари юксак даражада ривожланиб бораётган даврда кўплаб хорижий давлатлар, хусусан, республикамизда ҳам жиноий жазо чораларини, шу жумладан, озодликни чеклаш жазосини ўтаётган шахсларнинг хулқ-атворлари ҳамда белгиланган тақиқларга риоя қилаётганликларини текширишда ахборот технологиялардан фойдаланган ҳолда *масофавий назорат қилишнинг замонавий электрон тизимлари*дан самарали даражада фойдаланилмоқда.

⁸⁵ Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси.

⁸⁶ Ўзбекистон Республикаси Жиноят ижроия кодекси.

Озодликни чеклаш жазосини масофавий назорат қилиш деганда суд томонидан озодликни чеклаш жазосига ҳукм қилинган шахсларни ўрнатилган тақиқларга мунтазам равиша да риоя қилаётганликларини ахборот-коммуникация технологиялардан фойдаланган ҳолда электрон равиша кузатиш, мониторинг қилиш, изчил таҳлил қилиш мақсадида онлайн режимида GPS платформасидан фойдаланган ҳолда текшириш тизими тушунилади. Ушбу тизим бевосита рақамли технологиялардан фойдаланган ҳолда ишлайди.

Халқаро жиноят ижроия қонунчилигига ривожланган мамлакатлар томонидан озодликни чеклаш жазосига ҳукм қилинган шахсларни электрон кузатишида глобал жойлашувни аниқловчи **билак ва тўпиқ (оёқ) браслетлари, биометрик хавфсизлик тизимларига эга смартфонлар, маҳкумнинг спиртли ичимлик истеъмол қилганлик даражасини аниқловчи масофавий алкоголь мониторинг тизими (SSRAM)** ва **автомобиль атеслеме блокировкаси қурилмаси** ҳамда **махсус кузатув нимчалари**дан кенг фойдаланилмоқда.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳамда криминалистика соҳасининг таниқли олимлари томонидан жиноий жазоларни ижро этишда масофавий электрон тизимлардан фойдаланиш дастлаб **XX асрнинг иккинчи ярмига** келиб амалга оширилди. Электрон мониторинг тизими озодликдан маҳрум этишга ҳукм этилган маҳкумларга нисбатан илк маротаба синов тариқасида АҚШда **1968 йилда «Электрон кузатув тўғрисида»ги қонун** қабул қилиниши билан қўлланилган. Сўнгра, электрон технологиялардан расмий қўллаш АҚШда 1983 йилда Ню-Мексиконинг Албукерке амалга шаҳрида амалга оширилган. Шунингдек, **америқалик судья Жек Лав** «Спидерман – ўргимчак одам» комиксларидан илҳомланиб, электрон кузатув қурилмаси ёрдамида электрон уй қамоғи тушунчасини синаб кўрган. Ушбу тажриба, дастур Флорида штатида амалга оширилган. Ушбу дастурларнинг дастлабки баҳолари ижобий бўлиб, турли жойларда концепцияни қабул қилишга туртки бўлган. Узатувчи қурилмани тўпигига тақиши учун мўлжалланган бўлсада, уни билагига ёки белига тақиши учун ўзгартириш мумкин. Биринчи узатувчи қурилманинг батарея қуввати тахминан **115 кунга етган**.

Скандинавия мамлакатларида электрон браслетлар **1994 йилдан бери фаол қўлланила** бошланган. Ушбу қурилмаларнинг асосий мақсади нафақат озодлиги чекланган шахсларни, балки шартли равиша судланганларни ва оғир жиноятлар учун жазо муддатини ўтаган шахсларни ҳам назорат қилиш функциясини ҳам амалга оширган.⁸⁷

Бугунги кунга келиб, дунёнинг ривожланган мамлакатлари уй қамоғи эҳтиёт чорасини ўтаётган шахслар ва озодликни чеклаш жазосига ҳукм қилинган маҳкумларни **замонавий электрон масофавий тизим** орқали назорат қилишининг илғор тажрибаларини жадал суратларда яратмоқдалар, бу эса ўзининг ушбу турдаги жазоларни ижро этиш самарадорлиги динамикасига

⁸⁷ <https://nij-ojp-gov.translate.goog/library/publications/advancedy-electronic-monit>

ижобий таъсир кўрсатмоқда. Кўплаб давлатларда озодликни чеклаш жазо ва уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чоралари қўлланилган шахсларни масофавий кузатишда электрон браслетлар алоҳида аҳамият касб этади.

Электрон браслет - бу ички ишлар органлари (полиция) ходимлари томонидан уй қамоғидаги ёки озодликни чеклаш тарзидаги жазога ҳукм қилинган шахсни масофадан туриб аниқлаш ва унинг жойлашган жойини кузатиш мақсадида назорат қилиш учун фойдаланиладиган, танада узоқ вақт тақиб юриш ва рухсатсиз олиб ташлаш ва ишнинг очилишини назорат қилиш учун ўрнатилган тизимга эга электрон қурилма. Электрон браслет шакли жиҳатидан электрон соатга ўхшайди, унда кичик gps сенсори мавжуд бўлади.⁸⁸

МДҲнинг айrim мамлакатлари жиноят-процессуал ва жиноят ижроия қонунчилигининг *таҳлиллари* натижасида, **Россия Федерациясининг Жиноят-процессуал кодексига** асосан гумон қилинувчи ёки айбланувчининг уй қамоғи эҳтиёт чорасини ижро этиш жойида бўлиши устидан назорат ҳамда суд томонидан қўйилган тақиқларга риоя этилиши устидан озодликни чеклаш жазосига ҳукм қилинган маҳкумларга нисбатан жиноий жазоларни ижро этиш жараёнидаги назорат функцияларини алоҳида **федерал ижро этувчи орган** томонидан амалга ошириши маълум бўлди.⁸⁹

Беларус Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 125-моддасига биноан, суд лозим топса, ҳукмда озодлиги чекланган маҳкумларга қўлланиладиган тақиқлар қаторига **электрон кузатув браслетларини доимий равища тақиб юриш ва унга шикаст етказмаслик мажбуриятини юклаш ваколатига** эга ҳисобланади.⁹⁰

Францияда озодликни чеклаш жазосига ҳукм қилинган маҳкумлар ишлаш, дўстларини зиёрат қилиш, кинога бориш ҳуқуқига эгадирлар. Бироқ, буларнинг барчasi маҳкумларнинг **яшаш хонадонининг ўзида бўлиши** ва бунда улар якшанба кунлари у ерни тарк этмасликлари шарт ҳисобланади, шунингдек, уларга электрон браслетлар ўрнатилади. Жиноят ишини тергов қилиш жараёнида эса уй қамоғи эҳтиёт чораси қўлланилган гумон қилинувчи, айбланувчилар алоҳида ҳолларда тергов ҳибсоналарида ушлаб туриш ўрнига, **электрон браслетлар билан таъминланади** ва уй қамоғига юборилади.⁹¹

Болгарияда озодликни чеклаш жазосига ҳукм қилинган шахсларнинг яшаш хонадонларига шахснинг **овозини таниб олиш ва турган жойини тасдиқлашни** ўз ичига оладиган **максус масофавий тизим** ўрнатилади. Мазкур тизим электрон кузатув воситасида амалга оширилади, унинг ёрдамида

⁸⁸ <https://yuz.uz/uz/news/yelektron-brasletlardan-foydalanish-yolga--qoyiladi>

⁸⁹ Уголовно-процессуальный кодекс Республики Беларусь от 16 июля 1999 года № 295-З (с изменениями и дополнениями по состоянию на 20.07.2022 г.) // Национальный правовой Интернет-портал Республики Беларусь, 26.07.2022, 2/2919

⁹⁰ Архипов А. Система железнодорожного слезенижа и устройство браслетов

⁹¹ https://www-corrections-govt-nz.translate.goog/resources/information_

маҳқумнинг муайян жойда ва белгиланган муддатларда айнан ушбу шахснинг борлиги ёки йўқлиги қайд этилади.

Венгрияда маҳқумларни масофавий назорат қилишда уларга **исталган вақтда қўнғироқ қилиш** ва уларнинг айнан **яашаш хонадонида эканликларини тасдиқлаш функциясини** амалга оширувчи стационар кузатув қурилмасидан фойдаланилади. Бундан ташқари маҳқумнинг ушбу қурилма ўрнатилган дастур асосида куннинг исталган вақтида жазо ижросини назорат қилувчи орган томонидан маҳқумга **чақириув қўнғироғини** амалга оширади.⁹²

АҚШда масофавий электрон кузатув тизимларининг деярли барчасидан кенг фойдаланиб келинади. Бинобарин, ҳозирда ушбу давлатда озодликни чеклаш жазосига ҳукм қилинган шахсларни электрон кузатишда электрон браслетларнинг энг замонавий авлоди **TREKKER**дан кенг фойдаланиб келинмоқда. Бу браслет қўринишидаги электрон қурилма бўлиб, **GLONASS/GPS глобал навигация сунъий йўлдош** тизимининг сигналлари ёрдамида ташувчини масофадан идентификация қилиш ва унинг жойлашган жойини кузатиш учун мўлжалланган. Бу маҳқумга ўзининг ҳажми ва мослашувчанлиги жиҳатдан анча қулай ҳисобланади.

Жанубий Кореяда жиноятчиликнинг олдини олиш учун янги авлод **оёқ браслетларини** бошқариш мониторинг тизими жорий қилинган. Ушбу қурилма маҳқумнинг глобал жойлашувини аниқлаш тизими (gps)ни ўз ичига олади ва доимий равища кузатувчи марказга маҳсус сигнал бериб туради.

2006 йилдан бери **Эстонияда** маҳбуслар алоҳида холларда **электрон браслет тақиб, қамоқхонани эрта тарк этишлари мумкин** бўлган. Мамлакатда шартли равища озод қилинган маҳқумларни электрон назорат қилиш тизимидан фойдаланишга рухсат берувчи қонун қабул қилинган. Тажриба тариқасида жазони алмаштиришнинг бу тури Франция, Швейцария ва Жанубий Кореяда ҳам қўлланилиб келинмоқда.

Германиядаги озодликни чеклаш жазосига қўшимча сифатида қўйилган спиртли ичимликлар истеъмол қилиш тақиқини доимий равища назорат қилиш мақсадида маҳсус стандарт қурилма ишлаб чиқарилган. У **камера ва юзни аниқлаш дастури** билан жиҳозланган. Бунда муайян вақт режимида маҳкум куннинг маълум соатларида уйда қолиши шарт бўлади. **Тасодифий вақт оралиғида** тизим жиноятчидан қурилмага тегинишни сўрайди. Кейин бириктирилган камера унинг тасвирини олади ва биометрик маълумотлар мос келадими ёки йўқлигини текширади, шунинг учун унинг дўстлари билан спиртли ичимликлар истеъмол қилганда, бошқа ҳеч ким маҳкум учун тестдан

⁹² <https://optolov.ru/uz/bedroom-design/yelektronnyi-braslet-dlya-osuzhdennyh-princip-raboty-rovenskaya-zhurnalistka-ispytyvala-na-sebe-yelektron.html>

ўта олмайди. **Спиртли ичимликларни текшириш тизими** найчага пуллаган одамнинг юзини маҳкумнинг биометрик маълумотлари билан таққослади.⁹³

ХУЛОСА

Республикамиз ҳудудида ҳам озодликни чеклаш жазосига ҳукм қилинган маҳкумларнинг ушбу жазо турини ўташларида илғор хорижий давлатлар тажрибасидан фойдаланган ҳолда, рақамли электрон кузатув технологияларидан фойдаланилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 13 июльдаги 383-сонли «**Ички ишлар органлари томонидан кузатиб бориш ҳаракатларини амалга оширишда электрон браслетлардан фойдаланишни жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида**»ги қарори асосида 2024 йил 1 декабрдан бошлаб ички ишлар органларининг тегишли бўлинмалари электрон браслетлар билан жиҳозланиши белгилаб қўйилган.

Юқоридаги қарорга мувофиқ, ички ишлар органлари тизимиغا қуйидагилар жорий этилади:

а) қочиш ҳолатларининг олдини олиш учун эскорт қилинган шахсларни кузатиб бориш жараёнини **онлайн кузатиш тизими**;

б) эскорт қилинаётган шахслар қочиб кетишга уриниш (электрон билагузукни ечиб олиш, заарар етказиш, эскорт ходимидан узоқлашиш) ҳолатларида тегишли шахсларга овозли ва визуал ахборотни **автоматик онлайн режимда узатиш тизими**;

д) «тезкор таъқиб» остида кузатилган шахсларни қўлга олиш бўйича самарали чора сифатида **электрон билакузуклар** орқали узатиладиган gps сигналларидан фойдаланиш.

Шунингдек, қарор билан ички ишлар органлари томонидан кузатиб бориш ҳаракатларини амалга оширишда электрон браслетлардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги **низом** тасдиқланиб, унда қуйидаги тартиблар, хусусан, кузатиб бориш ҳаракатларини амалга оширишда электрон билагузуклардан фойдаланиш тартиби белгиланди; Ички ишлар органларининг бўлинмаларини электрон браслетлар билан таъминлаш, шунингдек кузатув бўлинмалари ва изоляторларга ажратилган электрон браслетларни сақлаш ва улардан расмий фойдаланиш дастури; электрон браслет йўқолган ёки бузилган тақдирда моддий зарарни қоплаш; эскорт бўлинмалари ходимлари ва эскорт бўлинмалари ходимларининг электрон браслетдан фойдаланиш жараёнида ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгиланган.

Юқоридаги истиқболли дастурларда белгиланган мақсадлар ижроси ваколатли давлат органлари томонидан ўз вақтида ва сифатли бажарилса, бевосита озодликни чеклаш жазосини ўташ тартиби **сифат жиҳатдан мутлақо янги босқичга** кўтарилади. Бу эса маҳкумларнинг ҳуқуқлари ва қонуний

⁹³ <http://m.srccyrl.aprsk.com/info/judicial-supervision-positioning-wristband-int-71128416.html>

манфаатларини янада ишончли ҳимоя қилинишига ҳамда инсон қадрини улуғлашга ўзининг ҳиссасини қўшади.

М.А. Аълохонов

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР ВА ИНТЕРНЕТ РЕСУРС МАНБАЛАРИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси.
 2. Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодекси.
 3. Ўзбекистон Республикаси Жиноят ижроия кодекси.
 4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 14 июлдаги “Ички ишлар органлари томонидан конвой ҳаракатларини амалга оширишда электрон браслетлардан фойдаланишни жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 383-сонли қарори.
5. <https://yuz.uz/uz/news/yelektron-brasletlardan-foydalanish-yolga--qoyiladi>
6. <https://www-corrections-govt-nz.translate.goog/resourcyes/information>
7. <https://nij-ojp-gov.translate.goog/library/publications/advancedy-elektronic-monit>
8. [https://yen-m-wikipedia-org.translate.goog/wiki/Yelectronic monitoring in the](https://yen-m-wikipedia-org.translate.goog/wiki/Yelectronic_monitoring_in_the)
9. <https://www-pewtrusts-org.translate.goog/yen/research-and-analysis/issuye-briyefs/>
10. https://www-icpsr-umich-yedu.translate.goog/wyeb/NACJD/studiyes/9587?_x_tr
11. <http://m.srcyrl.aprsk.com/info/judicial-supervision-positioning-wristband-int-71128416.html>
12. <https://optolov.ru/uz/bedroom-design/yelektronnyi-braslet-dlya-osuzhdennyh-princip-raboty-rovenskaya-zhurnalistka-ispytyvala-na-sebe-yelektron.html>
13. Арҳипов А. Система желектронного слезенижа и устрожство браслетов.http://rapsinews.ru/legislation_publication/20100114/204466422.html#ixzz3GH3iGBHY (data obrashhenija: 16.10.2013 g.).
14. ([https://yen-m-wikipedia-org.translate.goog/wiki/Yelectronic monitoring](https://yen-m-wikipedia-org.translate.goog/wiki/Yelectronic_monitoring)
15. (Уголовно-процессуальный кодекс Республики Беларусь от 16 июля 1999 года № 295-З (с изменениями и дополнениями по состоянию на 20.07.2022 г.) // Национальный правовой Интернет-портал Республики Беларусь, 26.07.2022, 2/2919